



Якин Шарк ва Qatar Deutsche Bank Исломий молия бўлимининг бошлиги Солах Жайда Oxford Union мунозаралар уйида “Оксфорд Ислом банкчилиги ва молиялари жамияти”нинг очилиш маросимини ўтказади.

Ушбу тантанали маросимда у билан бирга Bank of London and the Middle East (BLME) (Лондон ва Якин Шарк Банки) директори Нейжл Денисон, Гейтхаус Банк (Gatehouse Bank)нинг директор муовини Азийма Зохийр, хамда Буюк Британия хукумати кошидаги Исломий молия ташкилоти вакиласи Варсийлар иштирок этади.

“Исломий молиялар ўзга банкчиликка нисбатан 50 фоизлик хажмда тобора ўсиб бормокда. Шу боис Британия хам мана шу ўсишнинг бир кисми бўлишни максад тутмокда”, - дея таъкидлаб ўтди мусулмон вакила Варсий.

“Лондон хозирданок Исломий молиячиликнинг Гарбий пойтахтига айланиб улгурган. Аммо биз бу холатни янада кучайтириб, Британиянинг Бутунжахон молиячилик пойтахтига айланишини хоҳлаяпмиз. Ва “Оксфорд Ислом банкчилиги ва молиялар жамияти” оркали, шунингдек, бу университет дунёдаги энг нуфузли университетлардан бўлганлиги боис хам яхши натижаларга эришишимиз мумкин.

Варсийнинг сўзларига кўра, ўтган йили Британия Исломий молиячилик соҳаси учун таассуротларга бой бўлди:

хукумат кошида Исломий молиялар бўйича мутахассислар кўмитаси барпо килинди; мамлакатда Бутунжахон Исломий Иктисад форуми бўлиб ўтди; ушбу соҳага доир бўлган давлат шахобчаларини йўлга кўйиш нияти борлиги билдирилди.

Энг ожиз banda тайёрлади